

Саудия Арабистони саёҳат қилиш учун чегараларини очади



17:00 / 04.05.2021 1738

Жорий йилнинг 17 майдан бошлаб Саудия Арабистони ўз фуқароларини бошқа мамлакатларга саёҳат қилиши учун чекловларни бекор қилиб, ўз чегараларини очади. Бу ҳақда якшанба куни Саудия Арабистони Ички ишлар вазирлиги Twitter саҳифасида маълум қилган.

“2021 йил 17 май куни маҳаллий вақт билан соат 01:00 дан фуқароларнинг саёҳат қилиш чекловлари олиб ташланади ва сув, ҳаво алоқалари очилади”, дея таъкидлади Ички ишлар вазирлиги. Агентликнинг аниқлик киритишича, чекловларнинг бекор қилиниши бир неча тоифаларга таълуқли: бир ойдан кўпроқ вақт олдин коронавирус билан касалланганлар, вакцина олганлар ва қиролликнинг 18 ёшгача бўлган, бошқа мамлакатда касалликни юқтиришда даволаниш харажатларини қоплайдиган суғурта полисига эга фуқаролар.

Маълумки, Саудия Арабистонига хориждан келганлар 14 кунлик мажбурий карантинга олинади.

ТАСС хабарига кўра, айтилган даврада Саудия Арабистонида кунига 1000 та касалликни юқтириш ҳолатлари қайд этилмоқда. Пандемия бошланганидан буён қиролликда касалланганлар сони 401,5 мингга етган. Коронавирус билан вафот этганлар сони 6,9 мингдан ортиқдир.